

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

# 558 Аудиовизуал асарларни, фонограммалар ва ЭҲМ учун яратилган дастурларни такрорлаш, сотиш, прокатга бериш, шунингдек фонограммаларни тайёрлаш бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензиялар ўз вақтида расмийлаштирилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Аудиовизуал асарларни, фонограммалар ва ЭҲМ учун яратилган дастурларни такрорлаш, сотиш, прокатга бериш, шунингдек фонограммаларни тайёрлаш бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензиялар ўз вақтида расмийлаштирилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкама-си **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 15 мартдаги 72-сон қарори билан тасдиқланган Аудиовизуал асарларни, фонограммалар ва ЭҲМ учун яратилган дастурларни такрорлаш, сотиш, прокатга бериш, шунингдек фонограммаларни тайёрлаш бўйича фаолият турларини лицензиялаш тўғрисидаги низомда назарда тутилган талаблар бажарилишини назорат қилиш, шу жумладан белгиланган тартибда расмийлаштирилган лицензияларни имзолаш вақтинча Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икромов зиммасига юклансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икромов Бош вазирнинг ўринбосари — Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплекси раҳбари тайинлангунга қадар ушбу қарорнинг 1-бандига мувофиқ функциялар бажарилишини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 6 декабрь,  
344-сон